

Дилфуза ЗАКИРОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломшунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси мустақил
тадқиқотчиси
dilfuza_zakirova89@gmail.com

ИСЛОМДАГИ ТАЪҚИҚЛАР: АҚИДАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАР ОРАСИДАГИ ЁНДАШУВЛАР

BAN IN ISLAM: APPROACHES BETWEEN DOGMATIC SCHOOLS

ЗАПРЕТЫ В ИСЛАМЕ: ПОДХОДЫ МЕЖДУ ДОГМАТИЧЕСКИМИ ШКОЛАМИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада исломдаги ақидавий йўналишлар орасидаги ёндошувлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинди. Ислom таълимотига кўра, табиатдаги кичик ҳужайралардан тортиб, энг катта сайёраларгача ҳаммаси илоҳий қонуниятларга бўйсунди. Жамият таъсири бўлмаган муҳитда ҳам муайян мувозанат мавжуд. Мақолада исломда мавжуд диний тақиқларнинг ақидавий асослари, турли ақидавий йўналишларнинг бу борадаги ёндошувлари тадқиқ ва таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: инсон, яхши, ёмон, ақл, табиат, дин, муносабат, муътазила.

ANNOTATION. The article reveals a scientific analysis of the approaches between doctrinal directions in Islam. According to Islamic teachings, everything from the smallest cells in nature to the largest planets is subject to the laws established by Allah. If there is a wild environment without human influence, you can definitely see uniqueness, balance and tone in it. The article examines how a person's position in committing good and evil deeds is voluntary and ultimately accountable to the Creator for their choice.

Key words: man, good, bad, mind, nature, religion, attitude, mutazila

АННОТАЦИЯ. В статье научно анализируются подходы между доктринальными направлениями в исламе. Согласно исламскому учению, все, от мельчайших ячеек в природе до самых больших планет, подчиняется законам, установленным Аллахом. Если есть дикая среда без человеческого влияния, вы определенно можете увидеть в ней

уникальность и баланс. В статье рассматриваются и анализируются основы религиозных запретов, существующих в исламе, а также сходства различных направлений веры в этом отношении.

Ключевые слова: человек, хорошее, плохое, разум, природа, религия, отношение, муътазила.

КИРИШ

Динлардаги тақиқлар ва чегаралар ҳам ўзига хос бир маъно ва мазмунга эга. Илоҳий динларнинг барчасида тақиқлар мавжуд. Жумладан яҳудийлик ва христианликдаги “ўнта аҳд” номи билан танилган феълларнинг ярмидан кўпи тақиқлардан иборат ва улар Европа халқлари орасида бир неча минг йиллардан бери муайян жамият ва дин вакиллари ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қоида сифатида амал қилиб келмоқда. Ислom динида ҳам тақиқлар мавжуд бўлиб, улар асосан ҳаром сўзи билан ифодаланган.

Ислom монотеистик динлардан бири сифатида ўз таълимотларининг инсон табиатига айнан мос келишини уқтиради. Ислom таълимотига кўра, табиатдаги кичик ҳужайралардан тортиб, энг катта сайёраларгача ҳаммаси Аллоҳ томонидан ўрнатилган қонуниятларга бўйсунди. Агар инсон таъсири бўлмаган ёввойи бир муҳит бўлса у ерда албатта ўзига хос, мувозанат ва оҳангни кўриш мумкин. Бундай мувозанат барча мавжудотларда бор. Фақат инсонга ихтиёр (иродаи жузъия) берилганки, у ўзининг яхши ва ёмон ҳаракатларини қилишда ихтиёрий бўлиб, охир-оқибат ушбу танлови юзасидан Яратгanning қошида ҳисобот беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ислom динида тақиқларнинг фалсафий тамойиллари таҳлил қилинар экан яхшилик ва ёмонлик ҳамда уни аниқлаш манбаи, исломнинг асосий мақсадлари ва инсон манфаатлари тушунчалари ўрганилади. Бунда яхшилик ва ёмонлик (хусн ва кубх), шариат мақсадлари ва манфаат (маслаҳат) назариялари таҳлил қилинади. Биринчи назария билан ислом динида яхшилик ва ёмонлик мезони ва ҳаракатларни яхши ёки ёмон деб ҳисоблаш манбаи ўрганилса, иккинчи назарияда ҳаракатларга шаръий баҳо беришдан кўзланган мақсадлар

аниқлаштирилади ва ислом нуқтаи назариядан инсон манфаати тушунчаси таҳлил қилинади. Ислом динида шариатдаги ҳукмлар инсонни Аллоҳ яратган экан, унга нима фойдали ва нима зарарли эканини у билади деган фалсафа негизида изоҳланади.

Иш ва ҳаракатларнинг ўзи яхши (хусн) ва ёмон (қубх) деган сифатга эгами ёки шариатда буюрилгани учун яхши, тақиқлангани учун ёмон бўлганми деган савол мусулмон мутафаккирларини ўйлантирган. Калом илмида бир неча мактаб мавжуд бўлса ҳам, уларнинг асосийлари бу муътазилийлар, ашъарийлар ва мотуридийлардир. Уларнинг бу масалага ёндашувлари қуйида баён қилинади.

Муътазилийлар яхшилик ва ёмонлик феълларнинг ўзида мавжуд бўлган ҳақиқий хусусият деб билади. Бу қарашни аслида биринчи бўлиб Жаҳм ибн Сафвон илгари сурган [1:346] бўлса ҳам, бу қарашни кейинчалик муътазилийлар қабул қилиб, уни ривожлантирганлар. Муътазилийлар яхшилик ва ёмонликнинг ҳақиқий эканлигида яқдил бўлсалар ҳам тафсилотларида қарашларнинг фарқланишини кузатиш мумкин. Масалан Иброҳим Назом (ваф. 231/845), Абулхузайл Аллоф (ваф. 235/849), Абу Жаъфар Искофий (ваф. 240/854) ва Абу Али Жуббой (ваф. 303/916) каби илк давр муътазилийлар яхшилик ва ёмонлик феълларнинг зотига оид бир хусусият деб ҳисоблашган.

Яхшилик ва ёмонлик феъллардаги ҳақиқий хусусият бўлганлиги боис уни ақл идрок эта олади ва бунда ақлнинг ўзи кифоя деган ғояни илгари суришган [10:54]. Уларга кўра, феълларда яхши ва ёмон хусусиятлар мавжуд бўлгани учун Аллоҳ уларни қилишга чақирган ёки уларни қилишни тақиқлаган. Яхшилик яхшилик бўлгани учун буюрилган, ёмонлик эса ёмонлик бўлгани учун тақиқланган. Диндаги буйруқ ва тақиқлар яхшилик ва ёмонликни намоён қилиб беради, аммо бирор феълни яхши ёки ёмон қилмайди. Масалан, зинонинг ёмонлигини оқибатига қараб билиш мумкин. Динда зинонинг тақиқланиши унинг тақиқдан сўнг ёмон ҳисобланишига олиб келмаган, балки ўзи ёмон бўлгани учун тақиқланган.

Аммо Абулқосим Каъбий (ваф. 319/931), Қози Абдулжаббор (ваф. 415/1025) ва Абулхусайн Басрий (ваф. 436/1044) каби кейинги давр муътазилийларида қарашлар бироз ўзгаради. Жумладан, улар яхшилик ва ёмонликни феълларнинг зотига эмас, балки сифатига оид бир хусусият деб билишган. Шунга кўра, уйга кириш феъли рухсат билан кирилса яхши бўлиб, изнсиз кирса ёмон бўлади. Яна сажда ҳам агар Аллоҳга қилинса яхши, аммо ундан бошқага қилинса ёмон бўлади [4:16]. Яъни ҳар бир ҳаракат ҳолатига қараб яхши ёки ёмон бўлиши мумкин. Яхшилик ва ёмонликни ҳолатига қараб ўзгаради деб ҳисоблайдиган муътазилийлар феълларни 3 гуруҳга ажратганлар:

1. Яхшилик ва ёмонлик деб ҳисобланмайдиган ҳолат. Бунда инсоннинг ихтиёри бўлмасдан қилинган ишлар кўзда тутилади. Масалан, уйку ҳолатида қилинган феълларга уларнинг содир бўлганлигидан ташқари, яхшилик ва ёмонлик хусусиятлари бўлмайди.

2. Фақат ёмонлик бўлган феъллар.

3. Фақат яхшилик бўлган феъллар [5:6/10].

Бундан ташқари булар ақлнинг яхшилик ва ёмонликни белгилаб берувчи мезон деган фикрдан қайтиб, ақл фақат яхшилик ва ёмонликни идрок эта олади дейишган. Улар яхшилик ва ёмонликни идрок этишнинг уч хил даражасини кўрсатишади:

1. Бадиҳий шаклда идрок этиш. Бунда ҳаётдаги оддий ҳақиқатлар кўзда тутилиб, улар ҳар бир инсоннинг яхшилик ва ёмонлик эканлигини ақл юритиб ўтирмасдан била оладиган нарсалардир. Масалан, бирор неъмат эвазига шукроналик қилишнинг, чўкаётган инсонни кутқаришнинг ва фойдали тўғри сўзнинг яхши экани, шунингдек, онқўрликнинг, чўкаётган инсонга ёрдам бермасликнинг ва зарарли ёлғоннинг ёмонлик эканини идрок этиш каби.

2. Бироз ақл юритиб идрок этиш. Чунки айрим феълларнинг яхши ёки ёмон эканини дарҳол билиш қийин. Шунинг учун бироз тафаккур орқали уларни билиш мумкин бўлади. Масалан, зарарли бўлган тўғри гапнинг ёмон эканини ва фойдали ёлғоннинг яхши эканини билиш каби.

3. Ваҳий орқали идрок этиш. Бунда масаланинг моҳиятини ақл билан идрок этиш мушкул бўлган ибодатлар каби масалалар кўзда тутилади. Чунки ибодатларнинг асл моҳиятини, яхшилигини ақл тўлиқ идрок эта олмаслигини мумкин. Шунинг учун бундай масалада ваҳийга эргашилади. Шу сабабли ҳам пайғамбарлар келиб, динни тушунтирганлар [6:64/66].

Кўриб турганимиздек, иккинчи гуруҳ муътазилийлар ақлни ҳукм чиқарувчи сифатида кўришмаган. Учинчи қисмда ҳукмронлик ваҳий тарафда бўлса, биринчи ва иккинчи қисмда ақл томонидан идрок этилган билим дин томонидан қўллаб-қувватланади. Бу ерда диққат қилинадиган нарса шуки, муътазилийлар яхшилик ёмонликда ҳукмни белгилаб берувчи ақл эмас, балки Аллоҳ эканлигини кўрсатишидир. Ҳукмни Аллоҳ қўяди, ақл эса уни идрок этади. Буни улар билимни Аллоҳ инсон ақлига жойлаштиргани билан изоҳлашади. Жумладан шундай дейди:

“Мукаллафнинг зиммасидаги диний ва дунёвий мажбуриятлар бир бутун ҳолда ақлга жойлаштирилган. Фақат ақл мукаллафлар зиммасидаги барча қилиши ёки қилмаслиги керак бўлган нарсаларни батафсил билмайди” [6:31/32]. “Пайғамбарлар олиб келган ҳар бир нарса бутун ҳолда ақлга жойлаштирилган ҳукмларнинг тафсилотларидир. Илгари айтиб ўтганимиздек, манфаатнинг яхши эканлиги ва зарарнинг ёмон эканлиги ақлда мавжуд. Фақат биз ҳар бир жузъий феълларга “бу манфаатдир”, “бу зарардир” деган ҳукмни чиқариш имконига эга эмасмиз. Шунинг учун пайғамбарлар бу каби феълларнинг ҳолатини ўргатиш учун келганлар. Шунга кўра, пайғамбарлар илгари Аллоҳ томонидан ақлимизга жойлаштирилган ҳукмларни қўллаб-қувватламоқда ва тафсилотларини кўрсатиб бермоқда. Шунинг учун ҳам пайғамбарларнинг ҳолатлари табибларнинг ҳолатларига ўхшайди. Зеро, табибларнинг вазифаси “бу ўсимлик фойдалидир” ва “бу ўсимлик зарарлидир” шаклидаги ҳукмлари билан муайян ўсимликларнинг ҳолатларини баён қилиб бериш. Биз уларнинг ушбу баёнидан илгари инсон баданига зарарли бўлган нарсаларни

бартараф қилиш лозим эканини ҳамда фойдали бўлган нарсаларни қилишнинг яхши эканини билар эдик” [4:62/64.].

Демак муътазилийлар бу масалада догматик рационалистлардан фарқли қарашга эга эканини кўраимиз. Чунки файласуфларга кўра ақл фақат идрок этувчи эмас, балки ҳукмни юзага келтирадиган бир асосдир. Ваҳоланки, муътазилийлар бошқа мутакаллимлар каби ақлни ҳукмни ижод қилувчи деб эмас, балки идрок этувчи, баён қилувчи бир билиш манбаи сифатида кўришади.

Шу билан бирга, ақлнинг бадихий шаклда қабул қилган зотий ёки нисбий ҳукмларнинг тақозоси бўлган шаръий ҳукмларни беришни Аллоҳнинг зиммасидаги мажбурият деб билишади. Уларга кўра, Аллоҳ таоло ақл яхши деб билган нарсаларни буюриши, уларни қилганларни мактаб, уларга савоб бериши, шунингдек ақл ёмон деб билган нарсаларни тақиқлаши, уларни қилганларни ёмонлаб, уларни жазолаши лозим. Чунки ақл яхши ёки ёмон деб билган нарсалар Аллоҳнинг наздида ҳам шундай ҳолатда деб билишади [2:863/864]. Яъни илоҳий амр ва тақиқлар феъллардаги зотий ва нисбий сифатларга мос эканлигини кўриш мумкин, бу эса ақлнинг ҳукмларини қўллаб-қувватламоқда. Қози Абдулжабборнинг: “Илоҳий тақиқлар ёмон феълларнинг ёмон бўлишини тақозо қилмайди, балки намоён қилади. Илоҳий амрлар ҳам яхши феълларнинг яхши бўлишини тақозо қилмайди, балки намоён қилади” деган гапининг мазмуни ҳам шу эди [4:254.].

Мотуридийлар эса муътазилийлардан фарқли ўларок ўрта миёналик қарашни илгари суришган. Имом Мотуридийга кўра, яхши ва ёмонлик икки нуқтадан келиб чиқмоқда: инсон ақли ва инсон табиати. Ақл яхши ёки ёмон деб билган нарсалар билан инсон табиатининг яхши ёки ёмон деб билган нарсалари бир хил бўлиши ҳам мумкин, бир-бирига зид бўлиши ҳам мумкин [3:170]. Айрим нарсаларнинг яхши ёки ёмон эканлиги ақлда бадихий шаклда мавжуд. Ақл буларни идрок қилади, буюради ёки тақиқлайди. Масалан, неъматга қаршилик сифатида раҳмат дейиш, тўғрилиқ ва

адолатнинг яхши эканлиги, онкўрлик, зулм ва ёлғоннинг ёмон эканлигини ақл идрок эта олади [3:178,181,217,218]. Ақлнинг яхши деб билган нарсаси ҳолатга қараб ўзгармайди [3:201, 223, 224.].

Инсон табиати эса, ақлдан биров фаркланади. Ақл яхши деб билган нарсани инсон табиати ёмон деб билиши мумкин. Инсон табиатига кўра белгиланган яхшилик ва ёмонлик кўниқма, қилмаслик ва бошқа ташқи омиллар тасирида ўзгариши мумкин [3:218, 221, 224]. Имом Мотуридий яхши ва ёмонларни моҳиятига кўра иккига ажратади: ўзи яхши ёки ёмон бўлган феъллар ва оқибати яхши ёки ёмон бўлган феъллар [3:201]. Мотуридийликка кўра, яхшилик ва ёмонлик ақл билан идрок этилади. Нарсалар ва феълларнинг ўзида яхшилик ва ёмонлик мавжуд. Ақл ҳам феъллардаги хусусиятлар, улардан ҳосил бўлган яхшилик ёки ёмонликларга қараб феълларнинг кўпчилигида яхшилик ёки ёмонликни идрок эта олади.

ХУЛОСА

Демак, мотуридийлик таълимотига кўра, ақл яхши деб билган нарсасини буюриш ва ақл ёмон деб билган нарсаларни тақиқлаш Аллоҳнинг зиммасидаги мажбурият эмас, балки унга муносиб бир ишдир. Шундай экан, соф ақл идрок этган яхшилик ва ёмонлик негизида мажбурият юзага келмайди. Балки шариатнинг кўрсатмаси ва Пайғамбарларнинг таълимотлари негизида гуноҳ ёки савоб белгиланади. Фақат бунда битта истисно бор: имон. Яъни мотуридийликка кўра, ақл яхши ва ёмонни идрок этса ҳам шариатда бу аниқ келмаган бўлса, инсон ўзича савоб ва гуноҳни белгилай олмайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. ан-Нашшор, Али Сомий. Нашъатул фикрил фалсафий фил ислом. Қоҳира: Дор ал-маориф, 1992. Ж.1.
2. Ибн ал-Малоҳимий Маҳмуд ибн Муҳаммад. ал-Муътамад фи усулид дин. Нашрга тайёрловчи: У.Маделунг. -Техрон: Муассаса-йи мутолаоти исломий, 1390.
3. Имом Мотуридий. Тавҳид. Нашрга тайёрловчи: Фатхуллоҳ Хулайф. –Истанбул: 1979.
4. Қози Абдулжабор. Шарҳ усулил хамса. Нашрга тайёрловчи: Абдулкарим Усмон. -Қоҳира: Мактабатул усра, 2009.
5. Қози Абдулжаббор. ал-Муғний фи абвоб ат-тавҳид вал-адл. Нашрга тайёрловчи: Маҳмуд Қосим. Нашр йили ва жойи кўрсатилмаган. Ж.6.
6. Қози Абдулжаббор. ал-Муҳит фит таклиф. Нашрга тайёрловчи: Умар Саййид Азмий. -Қоҳира: аш-Шарикат ал-Мисрия. Нашр йили кўрсатилмаган.